O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 3-fevral • Shanba • 15 (27.660) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ ЎзХДП электорати

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Қибрай туманидаги «Ўнқўрғон» фуқаролар йиғини ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ҳар томонлама қулай ҳамда шинам бу шифо маскани 8 мингдан зиёд қишлоқ аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатади. Айни дамларда, бу ерда физиотерапия, эмлаш, муолажа, акушер-гинеколог, кундузги стационар ва бошқа кўплаб тиббиёт хоналари ишлаб турибди.

— Мазкур иншоотга 100 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, — дейди Қибрай тумани марказий шифохонаси бош шифокори Дилшод Хонназаров. — Бу хайрли ишларга туманимиздаги «Турон-Замин Агрофайз» фирмаси ҳомийлик ёрдамлари билан бош-қош бўлди. Шунингдек, бу ерга олти миллион сўмликка яқин тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Бугунги кунда туманимизда 24 та ана шундай шифо масканлари фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг барчасида қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. 5 та қишлоқ врачлик пунктига янги тиббий ускуналар келтирилди. Бундан ташқари, 3 та қишлоқ врачлик пунктини оилавий поликлиникага айлантириш орқали, туманимиз қишлоқларида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва самарадорлигини ошириш ниятимиз бор.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: қишлоқ врачлик пункти ҳаётидан лавҳалар.
Абдувоси ҲАЙДАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сингапур Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ташриф чоғида иқтисодиётнинг икки томон учун ҳам манфаатли бўлган барча соҳалари бўйича ҳамкорликни қарор топтириш ва ривожлантириш юзасидан келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари бўлими раҳбари Қаҳрамон ШОКИРОВ ташриф якунлари бўйича ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Сингапур Республикасига давлат ташрифи, шубҳасиз, жорий йил бошидаги энг ёрқин воқеалардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга сафарлари сиёсат, иқтисодиёт, маданий алоқалар нуқтаи назаридан улкан аҳамиятга эга. Бундай ташрифлар мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва геосиёсий манфаатларини идрок этишга, давлатимизнинг салоҳиятини юзага чиқаришга катта ёрдам беради.

Ташриф асосида имзоланган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатдорликка асосланган узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик, муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Муҳим жиҳати шундаки, икки томон ҳам турли даражадаги алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор. Сингапур Ўзбекистон орқали Марказий Осиё ва МДҲ бозорларига чиқиш, Ўзбекистон эса АСЕАН билан муносабатларни ривожлантириш имкониятига эга. Зеро, Сингапур бу ташкилотнинг фаол ва нуфузли аъзоларидандир.

Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикасининг Кўшма баёнотида кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашларнинг ўхшашлиги, иқтисодиёт, илм-фан ва маданият ҳамда технология соҳаларида ўзаро тажриба алмашишнинг муҳимлиги ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапур Республикаси раҳбарияти билан учрашувлари чоғида бўлиб ўтган ўзаро ишонч руҳидаги мулоқотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида олий даражада имзоланган Иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битим мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратди.

Давлат ташрифи асосида имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Сингапур Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши ўртасида стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Сингапур Бизнес федерацияси ўртасида англашув меморандуми борлигини таъкидлаш жоиз.

Бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар томонларнинг энергетика, электротехника ва нефть кимёси, ахборот-телекоммуникация технологиялари, тўқимачилик, сайёҳлик, банк-молия соҳаларида ҳамда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида кечаётган хусусийлаштириш жараёнларида сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга қизиқиши катта эканлигини кўрсатди. Қизиқишнинг ошишига кўп жиҳатдан икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ҳам катта туртки берди. Унда икки юз йигирмадан зиёд сингапурлик бизнесмен иштирок этди.

Музокаралар ва бизнес-форумнинг натижаларига тўхталадиган бўлсак, икки мамлакатнинг идора ва компаниялари ҳамкорликда иқтисодиётнинг қайд этилган соҳаларига оид сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқишга киришди. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги эса Сингапурнинг Савдо ва саноат вазирлиги билан ҳамкорлик тўғрисида битим ҳамда Сингапур компаниялари билан ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади. Бу ҳужжатларни ишлаб чиқишдан мақсад, аввало, савдо-иқтисодий муносабатларни фаоллаштиришдан иборат.

Жумладан, Сингапур Савдо ва саноат вазирлиги билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимда Ўзбекистон Республикаси ва Сингапур Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш ва рағбатлантириш учун зарур чораларни кўриш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи миллий қонунчилик юзасидан ахборот алмашиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, томонлар ўртасида иқтисодиётнинг нефть-газ, нефть кимёси ва енгил саноат, ахборот-телекоммуникация технологиялари, электротехника соҳаси, транспорт инфратузилмаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сайёҳлик каби муҳим тармоқларига Сингапур сармоясини жалб қилиш учун янада қулайроқ шарт-шароит яратиш борасида келишувга эришилди.

Сингапур компаниялари билан ҳамкорлик ташкилоти билан тузилган меморандумда қонунчиликни уйғунлаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш услубларига доир масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш, ўзаро манфаатли савдо-сотиқ самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш механизмлари кўзда тутилган.

Ярмарка, конференция, семинар, давра суҳбати каби тадбирларни ўтказиш, ўзаро бизнес-миссиялар уюштириш, ўзбекистонлик мутахассисларни Сингапурга малака оширишга юбориш — буларнинг барчаси олдимизда турган ва биз биргаликда амалга оширадиган муҳим ишлардир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

... БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Махсус олимпиада қўмиталари» ҳамкорлигида «Ўзбекистонда махсус олимпиада фаолиятини такомиллаштириш» мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад — ногирон ва ақлан заиф болаларни соғломлаштириш бўйича кейинги беш йилда спорт соҳасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва бундан кенг жамоатчиликни хабардор этишдан иборат.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда 10 мингга яқин болалар ушбу ҳаракат атрофида бирлашиб, спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларга зарур шарт-шароитларни яратишда Республика Хотин-қизлар ва Миллий олимпия қўмиталари, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда ўнлаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ўтган йиллар давомида юртимиз ёшлари Польша, Бельгия, Туркия, Италия, Россия, Қозоғистон каби давлатларда ўтказилган турли хил спорт мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, Маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбоновлар иштирок этдилар.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ ОШДИ

Сурхондарё вилоятидаги «Шарғунқўмир» акциядорлик жамияти ўтган йили буюртмачиларга юз минг тоннадан зиёд тошкўмир етказиб берди. Даромад уч миллиард сўмдан ошди.

— Шахтани модернизациялаш тошкўмир қазиб олиш суръатини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди, — дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Ч.Очилдиев. — Корхонада уч сменада ўртача 400-500 тонна кўмир қазиб олинмоқда. Акциядорлик жамиятининг Бойсун туманидаги кўмир конидан олинаётган маҳсулот вилоятдаги тиббий ва таълим муассасалари ҳамда бошқа буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Соҳа мутахассислари Олтинсой туманида ҳам кўмир кони мавжудлигини аниқлашди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу ердаги тошкўмир захираси 20 миллион тоннадан ортади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

❖ Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашларида

МУСТАҲКАМ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯГА ЭГА ХАЛҚ

ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ ВА АҚЛ-ЗАКОВАТИ БИЛАН ҚУРА ОЛАДИ

Бугун кўпгина соҳаларда глобаллашув жараёнлари тобора кескин тус олаяпти. Шу жумладан мафкура борасида ҳам. Айрим давлатлар ўз мафкурасини жаҳон бўйлаб кенг ёйишга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Бунинг натижасида мафкуравий курашлар, хуружлар, босимлар авж олаяпти. Президентимиз таъкидлаганларидек, бундай шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади. Шу сабабли ҳам юртимизда миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларида эса шу кунларда бу мавзуда сиёсий семинарлар бўлиб ўтаяпти.

— Бугунги мавзунинг кун тартибига чиқиши бежиз эмас, — деди партиянинг Тошкент вилоят фаоллари семинарини очар экан, ХДП вилоят кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов. — Кўппартиявийлик, турли сиёсий партиялар орасидаги кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатаётган эканмиз, аввало, миллий ғоя, унинг асосида шаклланаётган ЎзХДП сиёсий мафкурасини чуқур тушуниб олишимиз даркор. Шунда сиёсий курашларда иштирок этишимиз, ўз обрў-эътиборимизни мустаҳкамлашимиз осонроқ кечади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева семинар иштирокчилари эътиборини «Ижтимоий ҳимоя йили» мақсадлари ва бу йилда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифаларига қаратди.

— Ўз фаолиятимизни асосан муҳтож қатламнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирган эканмиз, бу йилга мўлжалланган Давлат дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва ҳаётга жорий этилиши биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга, — деди у. — Шундай экан, ушбу дастурнинг бажарилишига алоҳида масъулият билан ёндашмоғимиз керак. Парламентимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Бунда бизнинг фракциямиз аъзолари фаол иштирок этади. Электоратимиз орасида бевосита иш олиб борадиган партия фаоллари билан ХДПдан сайланган депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкам бўлиши партиямиз суянадиган қатлам манфаатларига жавоб берадиган қонунларни яратишда жуда асқотади...

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув марказининг бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори Абдуғаффор Қирғизбоев масаланинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталди.

— Марказий Осиё айрим давлатларнинг геосиёсий мақсадлари тўқнашадиган минтақа, — деди у. — Шунинг учун турли мамлакатлар ўз мафкурасини бизга тиқиштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу оддий бир мультфильм шаклида ёки бадиий фильм, куй-қўшиқ, клиплар... (аудио, видео маҳсулотлар) шаклида бўлиши мумкин. Ёхуд ижтимоий-гуманитар ёрдам, турли грантлар, «беғараз» кўмак таклиф этиш ниқоби остида бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг барисига биз ҳушёрлик билан муносабатда бўлишимиз керак.

Фаоллар орасида қизғин савол-жавоблар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Беҳзод ШУКУРОВ

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ПАРТИЯ МАФКУРАСИ МАСАЛАЛАРИ

ЎзХДП Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари партия кенгашлари ўтказган семинарларда «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг пойдевори сифатида» мавзуси ўрганилди. Жонли мулоқот тарзида ўтган машғулотларда мазкур вилоятлар партия кенгашлари раислари П.Юлдашев, С.Жўраева, М.Исоқов, Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ҳ.Ортиқбоева, Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори Х.Муҳамедов ва бошқалар маъруза қилдилар. Муҳокамаларда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Г.Қувватова, Ховос туманидаги партия депутатлар гуруҳи раҳбари Н.Эрматова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Фарғона филиали етакчи илмий ходими И.Ҳожиалиев, Жиззах политехника институти проректори Д.Соатова, ХДПнинг қатор кенгашлари раислари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Семинарларда миллий ғоя ва ЎзХДП сиёсий мафкурасини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишнинг аҳамияти, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятида мафкуравий, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишнинг йўл ва услублари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар тингланди, таклифлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати

❖ «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЕР ОЛОЛМАЙ ОВОРАМАН»

Газетамизнинг ўтган 2006 йил 23 ноябрдаги сонида ушбу сарлавҳа остида мақола босилган эди. Унда 1-гуруҳ ногирони Абдуҳамид Мансуровнинг ошхона қуриш учун Самарқанд шаҳар Сиёб бозори ҳудудидан ер ололмай кўп йиллардан буён турли идораларга қатнаб, сарсон бўлаётгани ёзилганди.

Яқинда таҳририятимизга Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг 12 декабрь 2006 йилда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида мақола атрофлича ўрганиб чиқилиб, А.Мансуровнинг ошхона қурилиши учун Сиёб бозори ҳудудидан ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризасининг ҳал этилмай келинаётганлиги сабаблари ва бу масалани узил-кесил ҳал этиш чоралари кўриб чиқилди.

Самарқанд шаҳар ҳокими томонидан А.Мансуровга Сиёб бозори ҳудудидан ошхона биноси қуриш учун 160 кв. метр ер майдони ажратиш тўғрисида 2006 йил 12 декабрда 1724-сонли қарор қабул қилинди.

Юқорида кўрсатилганларга кўра, А.Мансуровдан Сиёб бозори ҳудудидаги қурилиш ишлари Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига қадар тугатилиши режалаштирилганлиги сабабли, ошхона қурилиши учун ажратилган 160 кв.метр ер майдони чегараларини ўлчаб олиб, қурилиш ишларини зудлик билан бошлаб, уни 2007 йилнинг 1-чорагидан кечиктирмай тугатилиши сўралди.

Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари
Ш.ҲУСАНОВ»

ЭМИШ

(Укам Эрдонга)

Кундуз қуёш эмиш, тунда моҳ эмиш,
Неки содир бўлса, инсон гувоҳ эмиш.
Ёнингда донишманд яшаса-ю, гар
Суҳбатин олмасанг бу ҳам гуноҳ эмиш.

Абдулла ОРИПОВ
01.02.07.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялангган

❖ ЎзХДП ҳаёти

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши томонидан ўтказилган ўқув-семинарда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон ХДП депутатлар фракцияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асанов «Миллий ғоя ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари — Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкурасининг асоси» мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар миллий ғоя ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг сўл мафкураси асосида партия аъзолари ва электорати вакилларининг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда фаол фуқаролик позицияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭЪТИҚОДЛИ АЪЗОЛАР

ПАРТИЯНИНГ СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДАГИ МАВҚЕИ БАЛАНД БЎЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳар бир сиёсий партиянинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрнини сафларининг жипслиги, аъзоларининг эътиқоди, иродаси, ғоявий қарашлари белгилайди. ЎзХДПнинг жамиятда тутган ўрни, обрўси ҳам унинг аъзолари сони кўплигида эмас, балки аъзолар сафидаги сифат, салоҳият, муштарак мақсад, ислоҳотлар давридаги изчил ғоя бирлигидадир. Бундан ташқари, ХДП ўз қарашлари, ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган Дастури билан бошқа партиялардан фарқ қилади. Яна бир муҳим жиҳати, мазкур партия электоратига аҳолининг ижтимоий муҳофаза ва қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлари киради.

Бугун ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ҳам янгича бир куч, янгича бир ташаббус билан ишларини давом эттирмоқда дейиш мумкин. Ўтган йил охирида бўлиб ўтган вилоят кенгаши пленуми қарорларини бажариш партия фаолиятида турғунликдан амалий ишга ўтишни, халқ орасига дадилроқ кириб боришни тақозо этаяпти. Айни кезда вилоятдаги 489 та ХДП бошланғич ташкилотига жами 15653 нафар аъзо ўтган бўлса, шунинг қарийб ярмини ёки 7464 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Партияга янги аъзолар қабул қилишда, улар билан ишлашда айниқса ХДП Зарафшон, Навоий шаҳар кенгашлари тажрибаси оммалаштиришга арзийди. Газеталарга обуна масаласи, аъзолик бадалларининг тушуми, партия аъзолари, БПТ билан ишлаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлик, Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини электорат орасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳаммаси ўз вақтида ташкил этилаяпти. Худди шундай Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор туман кенгашларида ҳам мақтовга сазовор ишлар талайгина.

— Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёни ҳам, янги аъзолик гувоҳномаларини топшириш тадбирлари ҳам сон учун эмас, аслида сифат учун хизмат қилди, — дейди **ХДП вилоят кенгаши раиси Баҳодир Норов.** — Бу каби ташкилий тадбирлар жараёнида биз аъзоларимизнинг бутун фаолиятини, оилавий шароити, жамиятдаги ўрни, ёш авлод тарбияси, маҳалла-кўйдаги иштирокини ҳам обдон ўргандик. Бу эса электорат билан ишлаш услубларини янгилашимизда бизга жуда қўл келмоқда. Натижада ишларимиз янада жонланаяпти.

— Партиядошлар сарҳисоби нафақат сифат ўзгаришлари, балки бошланғич ташкилотларимизда интизом, бадаллар тушумини ҳам тартибга солди, — дейди ЎзХДП **Навоий шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова.** — Бундан ташқари, партия ҳаёти ва фаолиятидан узоқлашганлар ҳамда доимий равишда аъзолик бадалларини тўламайдиганлар ўз-ўзидан сафимиздан тушиб қолди.

— Мен Қизилтепа туман марказий касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайман, — дея ўзини таништирди **Инобат Ҳакимова.** — ХДПга эътиқодим, ишончим юқорилиги учун унга аъзо бўлдим. Чунки, мазкур партиянинг танлаган йўли — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлашдир. Шундай экан, бу партия сафида туриб ўз сиёсий қарашларимни ифода этмоқчиман. Менинг партиямиз ҳақида ҳар доим тўлқинланиб гапиришимни кўриб ҳамкасбим Раъно Шарипова ҳам ХДПга аъзо бўлишга қарор қилди.

— Мен Навоий тоғ-металлургия комбинати машинасозлик бўлинмасида чилангар-пайвандчи бўлиб ишлайман, — дейди яна бир янги аъзо **Асад Холиқов.** — Партия сафларидаги жипслик, аҳиллик, айниқса, оддий одамларга яқинлик мени ХДПга аъзо бўлишга ундади.

Дарвоқе, ўз хоҳиш-иродаси билан ХДПга аъзо бўлиб кираётганлар Навоийда кўп. Шундай экан, бугунги туб ислоҳотлар, ўзгаришлар даврида сафимизда сифат, соғлом муҳит барқарор бўлиши ниҳоятда зарур. Буни Навоий вилоятидаги ХДП ташкилотларининг фаолияти яққол кўрсатиб турибди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Фарғона шаҳридаги «Фарғонапойабзал» акциядорлик жамияти қошида Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзсаламан» қўшма корхонаси жамоаси республикамиз аҳолисини сифатли пойабзал маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга экспортбоп маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришни режалаштирган.

— Қўшма корхонамиз жамоаси жорий йил мобайнида уч хил турдаги пойабзалларнинг янги намуналарини ишлаб чиқариш устида ишлаяпти, — дейди қўшма корхонанинг ташқи иқтисодий масалалари бўйича директори ўринбосари Улуғбек Охунов. — Биз бир кунда 800 дан 1200 жуфтгача пойабзал ишлаб чиқармоқдамиз.

✧✧✧

Суратда: *қўшма корхона фаолиятидан лавҳа.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Муборак туманидаги «Кўқдумалоқ-Газ» конида атмосферага чиқиб кетадиган йўлдош газлар замонавий технологиялар асосида қайта ишланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, машъалаларда ёқиб юборилаётган чиқинди газларни қайта ишлаш ер ости табиий ресурсларини сақлаб қолиш ва ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилаш имконини беради. Шу мақсадда Швейцариянинг «Zeromax» компанияси 2004 йилда халқаро тендерда ғолиб чиқиб, газ конида қазиб чиқарилаётган йўлдош газларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш бўйича махсус лойиҳани амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Шу тариқа «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси билан ҳамкорликда «Кўқдумалоқ-Газ» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида қўшма корхона томонидан конда йилига 1,3 миллиард кубометр миқдоридаги йўлдош газларни қайта ишлайдиган компрессор станцияси ишга туширилди. Яқинда лойиҳанинг иккинчи босқичи бўйича юқори технологик асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилди ва бир йилда уч миллиард кубометр йўлдош газни утилизация қилиш имкони яратилди.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири

...ШАРТНОМА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛМАДИ

НЕГА, БУНДАН КИМ МАНФААТДОР?

«MQ ENGINEERING» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) билан «BUMI Uzbekistan Ltd» хорижий корхонаси (ХК) ўртасида 2003 йил 9 август куни узоқ муддатли ижара шартномаси тузилди. Унга кўра, мулкдор — «BUMI Uzbekistan Ltd» ижарачи — «MQ ENGINEERING»га «Le Grande Plaza» меҳмонхонасининг 1-қаватидаги 307 квадрат метр бўлган ресторан ва офис ҳамда 226 квадрат метр тераса, шунингдек 11-қаватдаги 476 квадрат метрли офисни 2018 йилнинг 31 декабргача ижарага берди. Ижарачи мулкдорга ижара пулларини ўз вақтида, тўлиқ тўлаб борди. Ижара ҳақи ёки ижара майдони бўйича иккала томонда ҳам низо йўқ эди.

2004 йил 17 ноябрда мулк эгаси алмашиб, энди мулкка «PT HIKMAH ALBROS» МЧЖ ХК эгалик қила бошлади. Янги мулкдор билан ҳам ижара бўйича низо келиб чиқмади ва ижарачи ижара шартномасини тўлиқ бажариб борди. 2005 йил 31 март куни меҳмонхона мажмуаси директори ҳамда «PT HIKMAH ALBROS» МЧЖ ХК президент-директори Абдулла Алатас номидан ижарачига кафолат хати берилди. Хатда 1-қаватда реконструкция ва таъмирлаш иши кетаётгани учун битта ижара жойини вақтинча мулкдорга бериб туриш ва таъмирлашдан сўнг албатта қайтарилиши айтилди. Лекин таъмирдан сўнг, кафолат хатида ишонтирилганидек, ижара майдони ижарачига қайтмади. Аксинча, мулкдор ўша йилнинг 1 октябрь куни «ALBATROS KARAOKE» хусусий корхонаси билан ижара шартномаси тузиб, жойни унга бериб юборди. Қўлида шартнома ҳамда кафолат хати бўла туриб, «MQ ENGINEERING» МЧЖ ушбу ижара жойидан ажралди. Энг қизиғи, битта ижара майдонига нисбатан иккита ижара шартномаси пайдо бўлди. Ундан ҳам қизиғи, ушбу жой таъмири учун анча маблағ сарфланган ва ижарачи шартноманинг 6.2.14 бандидан келиб чиқиб, жойни «XODJ-FAYZI» хусусий фирмасига ижарага берган эди.

Табиийки, «MQ ENGINEERING» МЧЖ ижара шартномаси бекор бўлмасдан янги шартнома тузилганидан норози бўлиб, кейинги шартномани бекор қилиш ҳамда етказилган зарарни ундириш бўйича Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза берди.

Ишни кўриб чиққан Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Х.Жалилов нафақат даъвони рад этди, балки ҳеч қандай талаб ёки даъво бўлмай даъвогар билан «BUMI Uzbekistan Ltd» ХК ўртасидаги 2003 йил 9 августдаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги учун ҳақиқий эмас, деб топди (2006 йил 23 июнь). Апелляция босқичида ҳам ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолди (2006 йил 13 сентябрь). Қизиқ, қарши даъво бўлмай туриб, суд қарори билан даъвогарга нисбатан оғирлаштирувчи бундай хулосага келиш ўринлими?! Қолаверса, иш кўрилаётган пайтда «PT HIKMAH ALBROS» билан «ALBATROS KARAOKE» хусусий корхонаси ўртасидаги шартнома ҳам давлат рўйхатидан ўтмаган эди. Адвокат М.Суяровнинг сўровномасига Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бош муҳандиси Х.Мухамедов томонидан 2006 йил 2 августда берилган жавобда юқоридаги ижара шартномаси бошқармадан рўйхатдан ўтмаганлиги маълум қилинади. Судья негадир бу ҳолатга эътибор бермайди. (Кейинчалик Олий хўжалик суди касация инстанцияси томонидан (2006 йил 30 октябрь) ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидан «2003 йил 9 августдаги 0908-сонли ижара шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилсин» деган жумла чиқариб ташланди).

Ижара шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигига келсак, ростдан ҳам «MQ ENGINEERING» билан мулкдор ўртасида тузилган 2003 йил 9 августдаги шартнома ҳатто бугунги кунгача давлат рўйхатидан ўтказилган эмас. Сабаби нима?

«MQ ENGINEERING» томонидан аввалги мулкдорга ҳам, кейингисига ҳам йўлланган қатор мурожаатномалар бор. Уларда ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш мулкдорнинг ваколати бўлгани учун мулкдордан шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинган. Ҳатто МЧЖ бир неча марта ижара шартномасини рўйхатга олишни сўраб, рўйхатга олувчи ваколатли орган — Тошкент шаҳар ер ресурслари давлат кадастр бошқармасига мурожаат қилади. У ердан олинган жавобларда эса Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги қарори билан тасдиқланган «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабига асосан рўйхатга олишни сўраб шахсан мулкдор мурожаат қилиши кераклиги тушунтирилган. Лекин нимагадир мулкдор, юқоридаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳаракат қилмаган, «MQ ENGINEERING» МЧЖнинг бу ҳақдаги талабларига эса бепарво қараган. Савол кўндаланг бўлади: ижара шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилмаслигидан ким манфаатдор?

Мурожаатлар самара бермагач, «MQ ENGINEERING» МЧЖ 2003 йил 9 августдаги ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб, судга даъво киритишга мажбур бўлди. Чунки, амалдаги қонун талабларига кўра шартнома иштирокчиларидан бири ўрнатилган тартибга асосан ўзига юклатилган шартномани давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа манфаатдор тараф ушбу талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Тошкент шаҳар хўжалик суди (судья А.Шукуруллаев) эса ўтган йил 18 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвони рад этди. Апелляция босқичида ҳам (2006 йил 7 декабрь) биринчи босқич суди қарори ўзгаришсиз қолди. Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан суд ҳужжатлари асоссизлиги ҳақида кассация протести киритилиб (2007 йил 26 январь), суд ҳужжатларини бекор қилиш, ишни янги суд таркибида кўриш сўралди. Протестдан айрим ўринларни келтирамиз:

«Биринчи босқич суди даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш ҳақидаги хулосасини ягона важ, яъни тарафлар ўртасида 09.08.2003 йилда тузилган узоқ муддатли ижара шартномаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 23.06.2006 йилдаги №10-0621/7151-сонли хўжалик иши юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги ва ушбу ҳолат ЎзР ХПКнинг 60 м. талабларига кўра қайта исботланиши талаб этилмайдиган ҳолат эканлиги билан асослаган.

Ўз навбатида Тошкент шаҳар хўжалик судининг апелляция ҳайъати эса **«биринчи босқич суди ишнинг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлаганлиги ва ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига тўғри келиши»** ҳақидаги важларни келтириб, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирган.

Лекин биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорида келтириб ўтилган №10-0621/7151-сонли хўжалик иши юзасидан шаҳар хўжалик судининг 23.06.2006 йилдаги ҳал қилув қарори ва апелляция ҳайъатининг 13.09.2006 йилдаги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация босқичининг 30.10.2006 йилдаги қарорига кўра ўзгартирилган бўлиб, ҳал қилув қарорининг резолютив қисмидан **«2003 йил 09 августдаги 0908-сонли ижара шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилсин»** деган жумла чиқариб ташланган.

Хўжалик иши материалларида даъвогар «MQ ENGINEERING» МЧЖнинг мулк эгаси «BUMI Uzbekistan Ltd» ХК, кейинчалик «PT HIKMAH ALBROS» МЧЖ ХКга қайта-қайта мурожаат қилиб келганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиб, **ушбу ҳужжатларга суд босқичлари томонидан умуман юридик баҳо берилмаган.**

Жумладан даъвогар «MQ ENGINEERING» МЧЖ тарафлар ўртасида ижара шартномаси тузилганидан сўнг бир ой ичида «BUMI Uzbekistan Ltd» ХК 09.09.2003 йил №21/2-сонли хат билан мурожаат қилиб, ижара шартномасини тегишли равишда Тошкент шаҳар ер ресурслари давлат кадастр бошқармасидан рўйхатдан ўтказишни сўраган. Худди шундай мазмундаги хат 09.09.2004 йилда (№30/5-сонли) такроран «BUMI Uzbekistan Ltd» ХК раҳбариятига юборилган. Мулк эгаси 17.11.2004 йилда алмашганидан сўнг даъвогар «MQ ENGINEERING» МЧЖ 03.12.2004 йилда №32/7-сонли хат билан, 27.06.2006 йилда №26-сонли хат билан мулкнинг янги эгаси «PT HIKMAH ALBROS» МЧЖ ХК раҳбариятига мурожаат қилган.

Лекин суд босқичлари юқорида келтирилган бирор-бир ҳужжатларга тегишли равишда муносабат билдирмаганлар. Мазкур хўжалик ишининг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда суд жараёнига Тошкент шаҳар ер ресурслари давлат кадастр бошқармасининг вакилларини жалб этиш чоралари ҳам кўрилмаган».

Кишини ҳайрон қолдирадиган жиҳати шуки, апелляция босқичи ушбу ишни кўраётганда (2006 йил 7 декабрь) кассация босқичининг қарори билан (2006 йил 30 октябрь) «2003 йил 9 августдаги 0908-сонли ижара шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилсин» деган жумла ҳал қилув қароридан чиқариб ташланган ва даъвони рад этиш учун келтирилаётган ягона асос ўз-ўзидан йўқ бўлган эди. Лекин апелляция босқичи бу ҳолатни инобатга олмаган.

Қизиқ ҳолат: «MQ ENGINEERING» МЧЖнинг аввалги даъвоси суд томонидан нафақат рад этилган, ҳатто судьянинг ўз ташаббуси билан рўйхатдан ўтмаган даъвогар шартномаси бекор қилинган эди. Энди даъвогар шартномани давлат рўйхатидан ўтказишни пайсалга солгани учун суд орқали уни давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилганда эса суд бу ташаббусни рад этмоқда. Парадокс, шундай эмасми — бир ҳолатда суд талаб йўқ бўлса ҳам ўзи ташаббус кўрсатмоқда, иккинчи ҳолатда асосли талаб бор бўлса ҳам рад этмоқда. Ваҳоланки, иш ҳужжатларида мулкдорнинг давлат рўйхатидан ўтказишни пайсалга солиб келаётгани, ўз навбатида, ижарачининг ижара шартномаси шартларини тўла бажариб келаётганлиги исботланган. Бу ҳолатда суд ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаши қонун талаби эмасмиди? Фуқаролик кодексининг 112-моддасида эса **«Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади»** дейилган.

Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси эса, ушбу кодекснинг 574-моддасига асосан, давлат рўйхатдан ўтказилиши лозим. Бу қонун талаби...

Ажабланадиган томони, ижара шартномаси давлат рўйхатидан ҳануз ўтказилмаётган экан, бу аввало юқоридаги қонунни бузиш ҳисобланмайдими? Қолаверса, бошқа ижара майдонлари бўйича ҳам юқоридаги каби иккинчи ижара шартномаси тузилмаслигига кафолат йўқ. Бу янги низоларнинг пайдо бўлишига шароит яратади. Низолар кўпайишидан эса ҳеч ким манфаатдор эмас.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

МОЛИЯВИЙ МАДАД ОШМОҚДА,

MIKROKREDITBANK



Ғиждувонлик Замира Сафарова табиатан серғайрат, ташаббускор аёллардан. Ўйлаган режасини амалга оширмагунча тиниб-тинчимайди. У ёшлигиданоқ пойтахтимизда фаолият юритаётган «Машҳура» фирмасига, унинг тикувчилари фаолиятига ҳавас қилиб юрарди. Ниҳоят мазкур фирмага бориб ҳунар ўрганди, тажриба, маҳорат оширди. 2004 йил ўзи ҳам «Ғиждувон Машҳураси» хусусий фирмасини ташкил этди. Бу ерда қисқа муддат — яъни, икки йил ичида кўҳна вилоятнинг турли туманларидан касб-ҳунар ўрганишга келган ўнлаб ёшларга иш ўргатди: тикувчилик, қандолатпазлик, зардўзлик, торт ва ширинликлар пишириш цехлари, гўзаллик салони сингари кўплаб иш жойлари қун сайин гавжумлашди.

— Бу ишларни амалга ошириш учун албатта дастлаб сармоя керак эди, — ҳикоя қилади Замира Сафарова. — Юртбошимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармонига кўра кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан бахраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилганлиги қувончли бўлди. Даставвал «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бухоро вилоят бошқармасининг молиявий ёрдами билан тикувчилик цехимиз ишлай бошлади. Сўнгра лизинг хизмати орқали 20 миллион сўм маблағ эвазига «Зингер», «Зоже», «Пресс» сингари тикув машиналари олдик. Маҳсулотларимиз тез орада ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топа бошлади. Даромадимиз 142,3 миллион сўмга етди. 15 та янги иш ўринлари яратилди.

Бухоро туманида фаолият юритаётган якка тадбиркор Замира Раҳимова эса «Раҳимова Замира» хусусий фирмасини 2006 йил 25 июлда ташкил этганди. У ҳам аввалига «Микрокредитбанк»дан 540 минг сўм миқдорида микрокредит олди. Айни пайтда зардўзлик ва патдўзлик цехлари ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, бу ерда эркаклар учун зар тўнлар, аёллар камзули, дўппилар ва турли эсдалик совғалари ҳам тайёрланмоқдаки, уларга Бухорога келаётган сайёҳлар доим харидор.

2006 йил Бахтиёр Собиров учун ҳам қувончли бўлди. Боиси, у банк филиалидан 5 миллион 400 минг сўм микрокредит олиб, «KOKMELL» қандолатчилик хусусий корхонасини очди. Ўрнатилган асбоб-ускуналар тўла қувват билан ишлай бошлагач 10 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозир бу ерда ойига 5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Йиллик соф даромад 750 минг сўмдан ошаётир.

«Баҳодир Шамс» хусусий фирмаси ҳам Шофиркон туманидаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг бири. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар озиқ-овқат дўконлари ва аҳолига буюртма асосида етказиб берилади. Истеъмолчиларнинг кондитер маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи катталиги инобатга олиниб, корхонага «Микрокредитбанк»нинг Шофиркон туман бўлимидан 5 400 000 сўм имтиёзли кредит берилди. Сотиб олинган ва ўрнатилган асбоб-ускуналарда ишлашлари учун бу ерда ҳам 7 та янги иш жойи вужудга келди. Тез орада банкдан олинган кредит фоизлари ҳам вақтида қайта бошлади.

«Эргашобод» фермер хўжалиги 1999 йилда пайдо бўлди. Хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 4 700 000 сўм миқдорида микрокредит олиниб, ғишт заводи барпо этилди. Ҳозир 25 та янги иш ўрнига эга бўлган мазкур заводда ишлар ҳар қачонгидан қизғин. Фермер хўжалигининг ойлик ишлаб чиқариш ҳажми 10 000 000 сўм бўлиб, шундан соф тушум — 3 200 000 сўмни ташкил этмоқда.

ВИЗА БИЛАН ФИРМА ШУҒУЛЛАНАДИ

Россиядаги Франция элчихонаси 2007 йилнинг охирига қадар россиялик фуқаролар учун бериладиган визаларни расмийлаштириш ваколати хусусий компанияга ўтишини маълум қилди.

«Коммерсант» газетасида берилган ахборотга кўра, бу иш билан Ҳиндистоннинг «Visa Facilitation Services» фирмаси шуғулланиши мумкин. Франция элчихонасининг бундай қарорга келишидан кўзланган мақсад виза олиш учун топширилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатини қисқартиришдан иборат. Илгари ҳужжатлар икки ҳафта давомида кўриларди. Агар мазкур тартиб жорий қилинса, унда ҳужжатлар масаласи 3-4 кун ичида ҳал этилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай қарорга келишнинг асосий сабабларидан бири шуки, бугун Россияда Францияга сайёҳ бўлиб боришни истовчилар кўпчиликни ташкил қилади.

ҚАМОҚХОНАГА ҲУЖУМ

Жумага ўтар кечаси Филиппиндаги Кидапаван шаҳрида жойлашган қамоқхонага қуролланган номаълум гуруҳ ҳужум қилган. Улар қамоқхона деворларининг бирини портлатиб, туйнук очишган.



Натижада бу ердан юзга яқин маҳбус қочиб чиқиб кетган.

Маҳаллий полициянинг берган маълумотига кўра, қамоқхонага ҳужум қилган гуруҳ тахминан 25 кишидан иборат бўлган. Улар ўз ҳамтовоқларини қутқариш мақсадида шу ҳаракатга қўл уришган. Қамоқхонадаги маҳбусларнинг бир қанчаси Филиппиннинг турли худудларида портлашларни содир этганликда айбланиб, озодликдан маҳрум этилганди.

БОЗОРДА ПОРТЛАШ

Ироқнинг Хилла шаҳрида жойлашган бозор ҳудудида иккита портлаш содир этилди.



Маҳаллий полиция вакилларининг маълум қилишича, портлашлар иккита камикадзе томонидан содир этилган. Биринчи портлашдан сўнг таҳликага тушиб қолган одамлар бозорнинг нариги чиқиш қисми томон сурилиб боришган. У ерда эса уларни иккинчи қамикадзе кутиб турган ва...

Ушбу нохуш воқеа оқибатида 61 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, 160 нафарга яқин одам эса жароҳатланган. Портлаш оқибатида бозор биносига ҳам жиддий зарар етган.

2007 йилнинг январь ойи мобайнида турли нохуш воқеалар оқибатида Ироқда 2000 минг нафарга яқин киши нобуд бўлган.

АВТОБУС УЛГУРМАДИ

Филиппиннинг жанубий қисмида суюлтирилган газ ташувчи машинанинг портлаб кетиши оқибатида 20 киши ҳалок бўлган.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, машинада аввал аланга пайдо бўлган ва бир неча дақиқадан сўнг у портлаб кетган. Айни шу вақтда эса машинанинг ёнидан йўловчи ташувчи автобус ўтиб кетаётганди. Бу эса қурбонларнинг кўпайишига сабаб бўлган.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР КЕЛИШАДИ

Турли халқаро ташкилотларнинг вакиллари Эронга келиб, Исфахондаги уран рудалари конверсияси билан шуғулланувчи марказ фаолиятини ўрганишади.

Халқаро атом энергияси қўмитасидаги Эрон Ислом Республикаси вакили Али Асгар Салтанининг сўзларига кўра, расмий Теҳрон мана шундай йўл тутиб, ўзининг ядро дастури тинчлик мақсадларига қаратилганлигини намойиш этиш ниятида.

ОДАМЛАРНИНГ ЎЗИ АЙБДОР

Дунёдаги атроф-муҳит ва иқлим шароитини ўрганувчи қатор ташкилотларнинг мутахассислари фикрига кўра, ер юзидаги иқлим тобора ўзгариб бормоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, ер шарида ҳароратнинг кўтарилиши, абадий муз қатламларининг эриши натижасида океанлардаги сув сатҳи ҳам юқорилашмоқда ва бундай ҳолат узоқ йиллар давом этиши, ҳатто оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, иқлимнинг ўзгараётганлигига асосий айбдор инсонларнинг ўзидир.

Тошкент давлат шарқшунослик институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

Араб филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Япон филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, доцент, 1 ўрин;
Педагогика ва тиллар кафедраси, доцент, 1 ўрин;
Жанубий Осиё тиллари кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин;
Туркиёт кафедраси, доцент, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси, доцент, 1 ўрин;
Инглиз тили кафедраси (№2), доцент, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин;
МДҲ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси, доцент, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Роман тиллари кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин;
Исломшунослик кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.

Ҳужжатлар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида топширилиши лозим.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:
1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари, олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.
700047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.
Тел.: 133-45-21, 133-44-36.

❖ **Муаммо. Муносабат. Мулоҳаза**

АЖАЛ ЧАНГАЛИ

ЁКИ ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ ҲАМДА УНГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА

Маълумки, қўшни Афғонистон ҳудудида ҳозирги кунга қадар халқаро террористик ва диний экстремистик кучлар фаолият юргизиб келмоқда. Улар ўз навбатида катта миқдордаги гиёҳванд моддаларни етиштириш билан шуғулланаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ажал оғусини Европа мамлакатларига олиб боришда эса гиёҳвандфурушлар Ўрта Осиё ҳудудидан «йўлак» сифатида фойдаланишади. Ушбу ҳолат Марказий Осиё минтақаси ва дунё давлатларининг осойишта ҳаётига ўз таъсирини кўрсатиши турган гап.

Россиядаги «Росбалт» матбуот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, ўтган йили Афғонистонда энг кўп оғу — бутун дунёда етиштирилаётган гиёҳванд моддаларнинг қарийб 95 фоизи, яъни 6100-6200 тонна «қора дори» етиштирилган. Олдинги йилларга нисбатан олинган «ажал уруғи»нинг ҳосилдорлик даражаси 40 фоизга ўсган. Бу эса дунё жамоатчилиги билан бир қаторда бизни ҳам ташвишга солиши табиий.

Бундан ташқари, яна бир қўшни давлат ҳудудида Афғонистонда ишлаб чиқарилган катта миқдордаги гиёҳванд моддалар сотиш учун тайёрланиб, яширин омборларда сақланаётганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ушбу «мол» эгалари ўз маҳсулотларини МДҲ ва Европа мамлакатларига ташиш, ўтказиш ва сотиш учун янги йўллар ва жиноий шериклар қидирмоқдалар.

Афсуски, Сурхондарё вилояти ҳудудида истиқомат қилувчи баъзи бир кимсалар ҳеч ўйламасдан мўмай даромад, бойлик орттириш мақсадида кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлмоқдалар, ўзларини билиб, кўриб жиноят кўчасига урмоқдалар. Масалан, вилоят ҳудудида 2002 йилда гиёҳвандфурушлардан олинган гиёҳванд моддалар 34817 граммни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу миқдор 419767,3 граммга етган. Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноят содир этган шахслар сони сезиларли равишда камаётган бўлса-да, лекин афсуски, гиёҳванд моддалар миқдори, гувоҳи бўлганингиздек, бир неча баробар ортган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу жиноятларнинг илдизи аввало ишламай тез бойиб кетишга ўчлик иллатига бориб тақалмоқда. Масалан, ўтган йили гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноят содир этган 352 нафар шахснинг кўпчилигини ишлашни хоҳламай, бекорчи юрганлар ташкил қилган.

Абдужаббор АВЛИЁҚУЛОВ, Сурхондарё вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари олдида турган асосий масалалардан бири наркотик моддаларнинг тез тарқалишига



йўл қўймаслик ва бунга қарши кескин кураш олиб бориш бўлиб қолмоқда. Дунё ҳамжамияти, нуфузли ташкилотлар кейинги йилларда гиёҳвандликка қарши кураш борасида кўпгина ишлар қилмоқда. Бу масалада БМТнинг наркобизнесга қарши кураш комиссияси ҳам Ўрта Осиё Республикалари ҳудудида анча ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бу турдаги иллатга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу сабабли давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш масаласига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, 2002 йилда **«2002-2005 йилларга мўлжалланган наркотик моддалар, психотроп воситаларнинг ғайриқонуний айланиши ва уларнинг суиистеъмолига қарши кураш»** тўғрисида Ўзбекистон Республикаси давлат дастури қабул қилинган эди.

Кейинги йилларда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан Сурхондарё вилоят ИИБ ходимлари томонидан катта миқдордаги наркотик моддалар савдоси билан боғлиқ бир қанча жиноятлар фош этилди.

— Катта миқдордаги гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар асосан чегара ҳудудларда яшовчи шахслар томонидан содир этилмоқда, — дейди **Сурхондарё вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚҚБ наркотрафик ва наркотик моддаларга қарши кураш бўлими бошлиғи Омон РАҲИМОВ.** — Айрим мисолларни келтирсак. 2004 йил 19 февраль куни ўтказилган тадбирда Сариосиё тумани С.Кассиров номли ширкат хўжалиги «Лабиоб» қишлоғида яшовчи Ашур Рўзиев ва Ўктам Саманов Тожикистон Республикасидан **78 килограмм 847 грамм «героин»** гиёҳванд моддасини айланма йўллар орқали республикамизга ўтказиб Сариосиё тумани Г.Хидиров номли ширкат хўжалиги Тоқчиён қишлоғида яшовчи Ихтиёржон Мансуровга бераётган пайтида қўлга олинган. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган ҳамда айбдорлар тегишли қонуний жазога тортилган.

Вилоят ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлардан бирида Бойсун тумани, «Бойсун» ширкат хўжалиги, «Сарақамиш» маҳалласи ҳудудидан ўтувчи йўлдан Тошкент шаҳрига картошка маҳсулоти олиб кетаётган «КамАЗ — 5320» русумли, давлат рақами 19І 72-31 бўлган автоулов тўхтатилиб, холислар иштирокида текшириб кўрилди. Автоуловнинг кузовида полиэтилин халталарда жойлаштирилган жами 107 та салафан пакетлар ва 19 та елим халтачалар вилоят ИИБ ЭКБга олиб бориб текширилиб кўрилса, 107 та салафан пакетлардаги маҳсулот «героин» бўлиб, унинг соф оғирлиги 106 кг. ва 19 та елим халтачалардаги қорамтир рангли ўткир ҳидли «опий» гиёҳвандлик моддасининг соф оғирлиги эса 119 кг. эканлиги маълум бўлган.

Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари натижасида ушбу гиёҳвандлик моддаси Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, «Хазарбоғ» қишлоғида яшаб келган Қобил Мирзаёровга ҳамда Сариосиё тумани, Г.Хидиров номли ширкат хўжалиги, Пахтакор маҳалласида яшовчи Рустам Мелибоевга тегишли эканлиги аниқланди.

2006 йилнинг 19 февраль куни Сариосиё тумани Бобур номли ширкат хўжалигидаги Муҳиддин Шоевнинг яшаш уйидан ерга кўмиб қўйилган 3 та канопли қоп ва 5 та қоғоз яшчикларда сариқ скоч билан ўралган, жами 275 та салафан пакетлар ҳужжатлаштириб олинди. Вилоят ИИБ ЭКБнинг маълумотномасига асосан, ушбу олинган салафандаги ўткир ҳидли модда «опий» бўлиб, соф оғирлиги 272 килограммни ташкил этди.

Фуқаро Муҳиддин Шоев билан олиб борилган дастлабки суриштирув ишлари натижасида ушбу гиёҳванд моддаларини қариндоши Боймурод Қурбонов олиб келиб берганлиги аниқланди. Фуқаро Б.Қурбонов қўлга олингандан кейин у ушбу гиёҳванд моддаларини унга айланма йўллар орқали Тожикистон Республикаси Турсунзода вилоятидан фуқаро Тоштемир Ражабов келтирганлигини айтди.

2006 йилнинг 18 апрель куни соат тахминан 22.50 ларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Сурхондарё вилояти ИИБ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган махсус тадбир давомида Сариосиё тумани «Дашнобод» ширкат хўжалигининг «Бодомзор» маҳалласида яшовчи Хуморой Муҳаммадиеванинг хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилди. Тадбир давомида шу хўжаликда истиқомат қилувчилар — Алишер Холиқов ва Олимжон Бўтаевлар томонидан келгусида сотиш мақсадида яшириб қўйилган 6 та оқ рангли синтетик матоли қопларда, жами 120 та тўртбурчаксимон шаклдаги ўрамларга алоҳида қилиб қадоқланган ўткир ҳидли гиёҳванд моддаси борлиги аниқланиб олинди. Ушбу гиёҳванд воситалари «героин» бўлиб, унинг соф оғирлиги 129 килограммни ташкил қилди..

Юқорида келтирилган мисоллардан шуни кўришимиз мумкинки, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири — бу ҳаром бойлик орттиришдир. Улар ушбу паст, ғараз мақсадлари йўлида турли усул ва воситалардан фойдаланишмоқда. Лекин жиноят усули қанчалик ўзгартирилмасин, жиноятчилар жазодан қочиб қутулолмайди. Бунга юқоридаги мисоллар яна бир бор исботдир.

Бахту саодат ҳалоллик ва поклик, яхшилик ва эзгуликда эканлиги кўп бор исботланган. Яна шу нарса ҳақиқатки, тўпланган бойлик, мол-дунё ўзгалар фожиаси, аламли изтироблари эвазига қўлга киритилган бўлса, ҳеч қачон барака олиб келмаган. Эртадир-кечдир барча қилғиликнинг жавоби бор. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Шубҳасиз, жиноятга қўл ураётганлар нафақат ўзи, балки оиласи, фарзандлари-ю яқин қариндош-уруғларининг ҳам юзини қора қилиб, қонун олдида жавобгарликка тортиладилар.

Гиёҳвандликка оид жиноятлар, назаримизда, бутун инсониятга қарши душманлик, келажакка қилинган ёвузлик, деб баҳоланса тўғри бўлади. Чунки тонна-тонналаб етиштирилаётган ва қанчадан-қанча одамларни заҳарлаётган, кунига минг-минглаб одамларнинг ёстиғини қуритаётган бу даҳшатли оғулар қайси қирғинбарот қуролдан кам? У инсоният бошига кун-кунора дунёнинг бир бурчагида уюштирилаётган қай бир террорчилик ҳаракатидан кам талафот еказади? Аксинча, бир қарашда секин, ими-жимида қоп-қора тутунлар, инсон танасига йўлланаётган санчқилар воситасида юборилаётган бу оғулар ҳар қандай оғир қабиҳликлардан ҳам мудҳишлироқдир. Албатта, юқоридаги каби жиноятларга қарши курашмоқ фақат ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлайдиган ходимларнинг иши ҳисобланмаслиги керак. Ҳар бир инсон бу оғир жиноятларга қарши турмоғи лозим. Ёзувлик ва қабоҳатдан халос бўлишнинг йўли эса битта — унга қарши курашмоқ ва тўғри ҳаёт кечирмоқликдир.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми, боши ўтган сонда)

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Якка тартибдаги кичик тадбиркорлик корхонаси — «Аҳмедова Манзура» Қоровулбозор тумани ҳокимлигининг қарори билан 2006 йилда ташкил қилинган. Тадбиркорга ўша йили 540 000 сўм газлама ва мато сотиб олиш учун имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозир бу ерда аёлларнинг турли хил кийимлари ва келин либослари тикилмоқда. Бизнес режа бўйича бир ойда 116 минг сўм соф фойда олиниши режалаштирган бўлса, амалда у 134-135 минг сўмга етмоқда.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилояти филиали фаолиятида бундай ёруғ мисоллар кўп. Диққатга сазовор яна бир жойи — бу ерда микросармоялар чинакам ишбилармон ва моҳир тадбиркорлар қўлига етиб бориб, уларнинг яхши самара бериши учун кўплаб жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ва мазкур фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганларни аниқ графиклар асосида ўтган йил август, сентябрь ойларида марказий банк ходимлари билан ҳамкорликда вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси (туманларда ўтказилган) амалий семинарларга жалб этди. Аҳолининг барча қатламларига микрокредитлар тўғрисида маълумотлар бериш учун вилоят телевидениеси орқали ҳафтада 2 мартадан савол-жавоблар ташкил этилди. Йилнинг ноябрь ойида барча туманларда Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилоят бўлими ходимлари ҳамкорлигида тадбиркорлар билан семинарлар ўтказилиб, уларга микрокредит ва микролизинг хизматлари моҳияти ҳақида тушунтиришлар берилди.

Ана шундай тарғибот ва ташвиқот ишлари самараси ўлароқ кўп ўтмай вилоятда мингдан ортиқ фуқаро банкда ўз ҳисоб рақамларини очдилар.

Банк ташкил этилганига кўп вақт бўлмаса-да, устав жамғармасига киритилган маблағлар ҳисобидан кичик бизнес субъектларига **1.505.472.931** сўмлик микрокредитлар ажратилди. Шундан **130.419.000** сўм бошланғич сармояни шакллантиришга йўналтирилди. **953.240.000** сўм эса айланма маблағни тўлдириш ва бизнесни ривожлантиришга берилди. Шунингдек, аҳолига **421.813.931** сўмлик микролизинг хизматлари ҳам кўрсатилди. Микромолиялаш жараёнида тадбиркор аёлларга микрокредитлар ажратишга айниқса кўпроқ эътибор берилди. Хусусан тикувчилик, зардўзлик, патдўзлик ва сартарошлик сингари маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатаётган 64 нафар тадбиркор аёллар 144.866.700 сўмлик микрокредитлар олишди.

Яқин-яқингача «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Бухоро вилояти бошқармасида 7 та филиал ва 13 та минибанк фаолият кўрсатиб келарди. Вилоятнинг чекка ҳудудларидаги ишбилармонларга қулайликлар яратиш мақсадида Қоровулбозор, Қоракўл, Вобкент туманларида «Микрокредитбанк» минибанклари, Олот туманида банк агентлиги ташкил этилди.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича ажратилган микрокредитлар салмоғи тадбиркорлик йўналишларига ажратилган микрокредитлар ҳажмидан анча юқори. Сабаби, мазкур микрокредитлардан асосан фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, кичик корхоналар, микрофирмалар ўз айланма маблағларини тўлдириш ва бизнесини ривожлантириш учун фойдаланмоқдалар.

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастурида ҳам вилоятнинг ҳар бир туманидаги чекка қишлоқларгача микрокредитларнинг кириб бориши, айниқса, касаначилик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича фаолият кўрсатмоқчи бўлган одамларга бошланғич сармояни шакллантириш учун кредитлар ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу «Микрокредитбанк» АТБ Бухоро вилояти бошқармаси жамоаси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаши табиий.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жиззах вилояти, Янгиобод тумани «Ховос» ҚФЙдаги 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти қурилиши (калити билан)

Қурилишни тугаллаш муддати: 2007 йил 25 августгача.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

❖ Янги шеърлар

СЕНИ СЕВАМАН, ҲАЁТ!

УМР ФАЛСАФАСИ

Бу оламни англадим еттидан-етмишгача,
Оллоҳга шукрларким, шу кунга етмишгача,
Мени пиру бадавлат, парилик этмишгача,
Бутун борлиғинг билан сени севаман, ҳаёт!

Йиллар ошиб, йўл ошиб, нима топдим, топмадим,
Аччиқдан аччиқланмай, фақат ширин тотмадим,
Ғурурни юксак тутиб, уни ҳарён отмадим,
Не бўлса-да, барибир сени севаман, ҳаёт.

Бани-башар сирга бой, билмаганим кўпроқдир,
Бирига калит топсанг, бири қолар жумбоқдир,
Бир кам дунё кимга кенг, кимга эса торроқдир,
Барига сабоқ берган — сени севаман, ҳаёт.

Дордай қалтис гоҳ йўллар, бўлмоғинг керак дорбоз,
Йиқилсанг турабилгил, ўзингга суян, холос.
Ким кулару, ким йиғлар, кимлардир учар шоввоз,
Томошалар саҳнаси — сени севаман, ҳаёт.

Бу дунё бозор экан, ким сотади виждонни,
Ким пуллайди макрни, диёнат ҳам ёлғонни,
Қимматга-да ололмас ким орзую армонни,
Огоҳликка чорлаган — сени севаман, ҳаёт.

Толеъ излаб бир умр тирмашасан, чопасан,
Қадам етмаган жойдан ўз йўлингни очасан,
Яхшига ҳамроҳ бўлиб, нокаслардан қочасан,
Пок дилларга ёр этган — сени севаман, ҳаёт.

Муҳаббатга ўргатдинг, лойиқ кўриб умрдош,
Висол, ҳижрон, айрилиқ — барига етди бардош,
Фарзандларим шаънидан улуғвор кўтардим бош,
Фароғатинг бор боис, сени севаман, ҳаёт.

Турфа гулдаста тутдинг, шодламоққа уриндинг,
Кўзларимга тўтиё, бир меҳрибон кўриндинг,
Чин инсондек яшамоқ бахт бермоққа куюндинг,
Бебақо омонатим — сени севаман, ҳаёт.

Қайдадир ожиз бўлдим, қайдадир кўркмас, жасур,
Қайдадир эдим мағлуб, қайдадир ғолиб шуур,
Дарёдай оқди умр, тоғдек турибман шуқур,
Синовлардан ўтказган — сени севаман, ҳаёт!

Озми-кўпми қалб кўрин мен ҳам сенга атадим,
Жонгинамга тенг кўриб ёмон сўзни айтмадим,
Оғир-енгил машаққат юмушлардан қайтмадим,
Қўлга қалам тутқазган — сени севаман, ҳаёт!

Оройиш ҳам ташвишли, нотинч замонинг билан,
Табиат қилиқлари, безовта жонинг билан,
Юртимга ҳурлик берган даври давронинг билан,
Бутун борлиғим билан — сени севаман, ҳаёт!!!

КЕЛ...

Келин бўлиб келсанг агар
Ширин юзли кел,
Тилларида қанду шакар
Ширин сўзли кел.

Кўнгилларга ёқай десанг,
Шаффоф кулиб кел.
Меҳр чўғин ёқай десанг
Инсоф қилиб кел.

Тотув ҳаёт машъаласин
Баланд ушлаб кел.
Гоҳи турмуш машмашасин
Тишда тишлаб кел.

Тил ўстирма, дилни ўстир,
Иймон ила кел.
Билким барча сенга дўстдир,
Паймон ила кел.

Сен аёллик бурчини хор
Этмас бўлиб кел.
Бир умрга топиб қарор
Кетмас бўлиб кел.

ШОИР

Ихтиёринг эмас ўзингда,
Сўзларингда сен ҳақсан, шоир.
Демак, қалбинг элнинг измида,
Ўзинг яхлит бир халқсан, шоир!

Халқнинг эса қувонч, ташвиши
Зарб қўшади томир зарбига.
Алам тўкса аччиқ кўз ёши
Томиб тушар шоир қалбига.

Ихтиёринг ўзингда эмас,
Сеникимас сендаги юрак.
У ишқпараст, у — инсонпараст,
Сен халқингга кераксан, демак!

Елкасига елкангни тираб,
Ёндирасан олов туйғунги,
Ҳақиқатнинг тиғи ялтираб,
Кўзларингдан олар уйқуни.

Сеникидир муштаккина жон,
Эҳтиросни қиздирган ақл.
Эркин хаёл бамисли вулқон
Ларзасидан тўкилар нақл.

Шеър тафтидан юмшар қаттиқ ер,
Қўлга қўнар узоқ осмон.
Кимки она-Ватан ғамин ер,
У яшайди бахтли, беармон.

Ихтиёринг эмас ўзингда,
Сеникидир заҳмат ва нажот.
Шаъмдек эриб ёнган сўзингдан
Сенга қолур абадий ҳаёт!

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

❖ Ҳикматлар сандиғидан

ИЛМ — ҚАЛБ КАЛИТИ

- Илм андоғ ганжу кондир бани одамга,
  Кимда илм бўлса, жаннат икки оламга
  ОГАҲИЙ
- Билимли киши керакли сўзни сўзлайди,
  кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.
  Аҳмад ЮГНАКИЙ
- Билимсиз тафаккур йўқ, тафаккурсиз билим.
- Илм — инсон зийнати.
- Илмда яқин йўл йўқ.
- Илмсиз инсон — мевасиз дарахт.
- Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айб.
- Илмли ўқдан ўзади.
- Илм олишга белингни боғла,
  Бошқа ҳар ишдан қўлингни боғла.
- Илм кўкка етказар, ҳунар эса кўпга.
- Илмли қилни қирқ ёрар.

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

ООО «REAL EXIM» Мирзо Улугбекского района г.Ташкента
Код ОКПО 20809850
ИНН 206306763
Ликвидируется
Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул.Аккурганская д.22 а, кв.7
Телефон: 108-99-22

Учтепа туманидаги «Ванчен» хориж корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
ва ушбу корхона
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 152-72-50.

❖ Спорт

ЮНОНЛАР ЮРТИДА...

Салоники (Греция)да кураш бўйича Ислом Каримов халқаро турнири бўлиб ўтди. Мутлақ вазн тоифасидаги ушбу нуфузли мусобақада Венгрия, Россия, Греция, Ўзбекистон, Туркия, Польша, Озарбайжон сингари йигирмага яқин давлат полвонлари ғолиблик учун ғиламга чиқдилар.

Муросасиз кечган беллашувлар финалида грециялик акаука Василис ва Геометес Ильядислар ўзаро рўбарў келишди. Омад Василисга кулиб боқди ва унга турнирнинг бош соврини — 7000 АҚШ доллари топширилди. Ҳамюртимиз Ўткир Саломов ҳамда болгариялик Иван Илеевлар эса шоҳсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Шу кунларда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида VI қишки Осиё ўйинлари қизғин давом этмоқда. Қитъамизнинг ушбу нуфузли мусобақасида йигирма икки давлат вакиллари спортнинг конькида югуриш, шорт-трек, хоккей, биатлон, тоғ чанғиси, сноуборд, фристайл, кёрлинг, муз устида нафис учиш, чанғи пойгаси сингари турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришяпти.

Ҳар тўрт йилда уюштириладиган Осиё қишки олимпиадасида Ўзбекистон спортчилари 1996 йили Харбин (Хитой)да ўтган III қишки Осиё ўйинларидан бошлаб иштирок этиб келишмоқда.

Бу йилги мусобақаларда ҳамюртларимиз тоғ чанғи спорти ҳамда муз устида нафис учиш бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.



Жумладан, фигурали учиш баҳсларида мутахассислар Анастасия Гимазетдинова, Марина Аганина — Артём Князевларга ишонч билдиришган. Тоғ чанғи спорти мусобақаларида эса Мадина Расулева, Элвира Халиулина, Ксения Григорьева, Гулиза Гаюпова, Қайрат Эрметов, Ноил Шириазданов, Денис Григорьев ҳамда Олег Шамаевлар майдонга чиқишмоқда.

Ҳозиргача спортчилар фигурали учиш яккалик баҳсларининг эркин дастури бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилиб бўлдилар. Ушбу мусобақада 47,67 балл тўплаган Анастасия Гимазетдинова бешинчи натижа билан кифояланди. Бугун Марина Аганина ва Артём Князевлар жуфтлик баҳсларида ўз омадларини синаб кўришади.

Тоғ чанғи спорти бўйича қизлар ўртасидаги саралаш мусобақалари ҳам ниҳоясига етди. Маълумотларга қараганда, чанғичиларимиздан фақат Ксения Григорьева ҳамда Элвира Халиулиналар кучли ўнликдан жой олиб, навбатдаги босқичга йўлланмани қўлга киритган. Гулиза Гаюпова ўн бир, Мадина Расулева эса ўн олтинчи натижани кўрсатишган, холос. Эркаклар ўртасида чанғичиларимиз ғолиблик учун курашни давом эттиришяпти.

VI қишки Осиё ўйинлари 4 февраль куни ўз ниҳоясига етади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: *спортчиларимиз VI қишки Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросимида; чанғичи Элвира Халиулина.*

❖ Ўқинг, қизиқ!

ЕТТИ МЎЪЖИЗА, ҒАРОЙИБ ТАРИХ

— Маълумотларда Юнонистоннинг Олимпия шаҳридаги Зевс ҳайкали (етти мўъжизанинг тўртинчиси) муаллифи таниқли қадимги юнон меъмори-ҳайкалтарош Фидий бўлган ва ҳайкал тахминан милоддан аввалги 430-йилда қурилган, олтин ҳамда фил суякларидан ишланган дейилади...

— Ҳа, шундай. Ҳайкал Олимпия ибодатхонасининг ниҳоятда йирик залида, қадимги юнонларнинг бош худоси — Зевс кўмилган ва унга бағишлаб ўтказиладиган Олимпия ўйинлари жойи — манзилгоҳида ўрнатилган.

Баландлиги 14 метрли Зевс — Худо олимпия ибодатхонасидаги тахтда ўтирган ҳолда бунёд этилган. У олтин, фил суяклари, қора дарахт ва қимматбаҳо тошлардан ясалган. Негизи — асосида ёғоч каркас (синч) турган. Фил суягидан иборат пластиналар териси сифатида, олтин лист (қоплама)лар эса кийими шаклида кўриниш берган. Зевс бир қўлида ғалаба Худоси — қанотли Никининг олтин маъбудасини ушлаб турган бўлса, иккинчи қўли билан эса бургутли Скипетр (салтанат ҳассаси)ни тутган. Ҳайкалнинг мўъжизакор томони шундаки, қузатувчилар «Зевс, мана, ҳозир ўрнидан туради-ю, маъбудани кимгадир топширади» деган ҳаёлда бўлган...

Ҳайкал саккиз аср мобайнида маъбудага келганларни ҳайратга солиб турган. Кейинчалик у Константинопол (ҳозирги Истанбул)га кўчирилган ва милодий V асрда ёнғин туфайли йўқ бўлиб кетган. Эътибор қилган бўлсангиз, ҳар Жаҳон футбол чемпионатида ғолибга ана шундай Ники кубоги топширилади.

— Галикарнас дахмаси — мавзолейи (етти мўъжизанинг бешинчиси) қандай иншоот?

— У ўзидан кейин юзага келган кўпчилик бинолар, хусусан, мавзолейларга ҳам ном берган. Бу номга асос солган Мавсол (ёки Мавзол) м.а. тўртинчи асрда Форс империяси таркибига кирган Кария шоҳи бўлган ва у ўз синглиси Артемисияга уйланган. Шоҳ ўз номини абадий қолдириш ташвишида асосий эътиборни бўлажак қабри — ўз мақбарасига қаратган. Мақбара-монумент шоҳ тириклиги давридаёқ подшоҳлик пойтахти Галикарнасда (Малика томонидан) битказилган ва унда шоҳнинг ўзи билан бирга рафиқасига ҳам фахрий жой топилган (м.а. 377-352 йилларда).

Дахма 50 метр баландликдаги уч ярусли (қаватли) иншоот бўлган. Энг тепасига икки ғилдиракли жанг аравасида кетаётган Мавсол ва Артемисиянинг мармар ҳайкали ўрнатилган. Қуйи қават 15 та катта устунлар-колонналар ёрдамида кўтариб турилган ва у ерда майдони 5000 квадрат метрга тенг улкан сағана — ибодатхона жойлашган. Қабр атрофини арслонлар ва чопиб кетаётган суворий ҳайкалчалар ўраб турган. Иншоотга таниқли меъморлар ва ҳайкалтарошлар кўпгина ажойиб безаклар беришган. Бино тубидаги олтин қутиларда шоҳ ва маликанинг хоки сақланган.

Галикарнас (ҳозир Туркия ҳудуди)даги бу дахма — мавзолей XV асргача сақланган ва зилзила туфайли иншоотга зиён етиб, кейин рицарь-иоанистлар томонидан бузилган. Улар иншоот хомашёларидан ўзлари учун тош монастир қуришда фойдаланишган.

XIX асрда археологлар мавзолей қолдиқлари, хусусан, Мавсол ва Артемисия ҳайкалчалари ҳамда бошқа зеби-зийнат буюмларни топишга муваффақ бўлдилар. Ҳозир бу осориатиқалар Британия музейида сақланмоқда...

(Давоми газетамизнинг келгуси шанба сонида)

(Давоми. Боши ўтган шанба сонларида)

КРОССВОРД

ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Ҳашаматли кўркам бино. 2. Бойўғлилар туркумига мансуб қуш. 3. Краснодар ўлкасидаги оромгоҳ. 4. Чингизхоннинг набираси. 5. Буюк Британиядаги йирик шаҳар. 6. Поезд вагони бўлмаси. 7. Қирғоқ. 8. Ишқорий металл, кимёвий элемент. 9. Миноран калон жойлашган шаҳар. 10. Жанубий Америкадаги давлат. 11. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи қаҳрамони. 12. Атоқли ўзбек адиби. 13. Эртапишар, хушбўй қизил олма. 14. Санъат турларидан бири. 15. Савдо маскани. 16. Дурбек ёзиб қолдирган машҳур достон қаҳрамони. 17. Тақинчоқ, зеб-зийнат буюми. 18. Ўзбек халқ мақоми. 19. Туркиядаги йирик порт шаҳар. 20. Амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумот. 21. Вилоятлардан бири. 22. Ов ити. 23. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катет атрофида айланишидан ҳосил бўладиган геометрик шакл. 24. Одра дарёси соҳилларида жойлашган вилоят. 25. Япон халқига мансуб либос. 26. Жанубий Америкадаги мамлакат. 27. Лаборатория идиши. 28. Ҳосилнинг бир қисми учун байлашган деҳқон. 29. Узум нави. 30. Амир Темур давлатидаги қўшиннинг марказ қисми. 31. Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романи қаҳрамони. 32. Улуғ ёши ва хизматларини нишонлашга хос атама. 33. Сув оқими бўйлаб маълум масофада жойлашган электр станциялар тизими. 34. Қадимда турк-мўғул давлати бошлиқларининг қароргоҳи қандай аталган. 35. «Ўтган кунлар» фильмида ижро этилган қўшиқ. 36. Қизил тусдаги йирик узум нави. 37. Паррандани илк парвози. 38. Чой нави. 39. Йиртқич қуш. 40. Марказий Осиёдаги йирик шаҳарлардан бири.

МУАММОНОМА

ОЧИҚ СЎЗЛАР: 1. Амир Темур ҳикматидан: 17,2, 14-бирликда.
2. Абдулла Қаҳҳор романи — 12,1,10,13,4.
3. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган мумтоз ашула — 2,11,11,13,6.
4. Шоҳмот донаси — 15,1,10,16,3,18.
5. Кузпишар тоғ меваси — 5,9,8,1,18,1.
6. Маҳсулот ҳақидаги маълумотнома қоғози — 7,10,8,3,6.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда мумтоз шоир, мутафаккир Носир Хисрав меросига мансуб икки мисрани билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 27 январь сони)

Энига: 1.Кабир. 4. Музей. 7. Турна. 10. Банкнот. 11. Латофат. 12. Курка. 13. Нусха. 15. Асрор. 16. Босим. 18. Ажриқ. 20. Четан. 22.Лом. 23. Қавс. 24. Ўтин. 25. Қор. 27. Қамал. 29. Норка. 30. «Инсон». 32. Атроф. 34. Масал. 36. Регар. 38. Она. 39. Нота. 40. Эман. 41. Ҳад. 43. Аҳвол. 45. Ратин. 46. Асвон. 48. Мезон. 50. Чўмич. 52. Метан. 54. Сур. 55. «Халқ». 56. Илон. 57. Нон. 59.Аршин. 61. Майса. 62. Росси. 64. Тикан. 66. Арафа. 68. Сурон. 70. Мулкдор. 72. Ашрафий. 73. Радар. 74. Манти. 75. Банка.

Бўйига: 1. Кубок. 2. Банорас. 3. Ранда. 4. Метин. 5. Зар. 6. Йўлка. 7. «Татра». 8. Реферат. 9. Аттор. 14. Сурп. 16. Булоқ. 17. Мақол. 18. Алвон. 19. Қитъа. 20. Чанғи 21. Норин. 26. Пресс. 28. Марка. 31. «Сегоҳ». 32. Алоқа. 33. Финал. 34. Мотор. 35. Лимон. 36. Рента. 37. Родон. 42. Атама. 44. Вазир. 47. Ватан. 48. Масса. 49. Нохин. 50. Чилим. 51. Чилла. 52. Минор. 53. Нанси. 58. Ойна. 60. Шоколад. 63. Сарафан. 64. Темир. 65. Нодир. 66. Ажрим. 67. Амаки. 68. «Сароб». 69. Найза. 71. Дон.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 146
14282 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda